



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 20 июль куни Чўлпонота шаҳрига келди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси Раҳбари Акилбек Жапаров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити олдидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари биргаликда “Номад” маданият марказига бордилар. Хунармандчилик буюмлари кўргазмаси кўздан кечирилди. Сўнг кўчманчилар ўйинлари намойиш этилди.

Марказий Осиё халқлари куй-қўшиқларидан тузилган концерт дастурида элларимиз бирлиги, маданий яқинлиги намойён бўлди.

Аввал хабар қилинганидек, 21 июль куни Чўлпонотада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Саммитда савдо, транспорт ва логистика, саноат кооперацияси, инновациялар,

озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Минтақа етакчиларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида, учинчиси ўтган йилнинг август ойида Туркманистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШINI ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини муддатидан аввал тугатиш тўғрисидаги мурожаатини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жамоат тартиби тикланганлигини ва кўрилган чоралар натижасида фуқароларнинг хавфсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланганлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 11-моддасига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-164-сон Фармони

билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жорий этилган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши 2022 йил 21 июль куни соат 05:00 дан бошлаб муддатидан аввал тугатилсин.

2. Мазкур Фармон 2022 йил 21 июль куни соат 05:00 дан эътиборан қучга қиради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

3. Мазкур Фармоннинг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ҚЎШМА ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШINI ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига ва “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 11-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида”ги ПФ-173-сонли Фармони тасдиқлансин.

2. Ушбу Қўшма қарор дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НОРБОЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 июль

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ИЛМ-ФАН ВА БИЗНЕС ҲАМКОРЛИГИДАГИ “ОЛТИН КЎПРИК”



Ўзбекистон ва Эрон иқтисодиёти ўзаро манфаатли тарзда бир-бирини тўлдириб, биотехнология, тўқимачилик, электротехника, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорлик қўламини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган йирик лойиҳалар натижасида сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда Эрон капитали иштирокидаги корхоналар сони 4 баробар кўпайди. Икки томонлама мулоқот ва ўзаро алмашувларнинг фаоллашуви кузатилиб, савдо кўрсаткичлари ва кооперация лойиҳалари сони ҳам ортиб бормоқда. Рақамларга эътибор қаратсак, ўтган йили товар айирбошлаш 73 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 22 фоизга ошди.

Шу йил 19 июль куни Президентимиз мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлган Эрон Ислом Республикаси Президентининг илм-фан ва технологиялар бўйича вице-президенти Сорена Сатторийни қабул қилди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“МАЛЛАБОЙ ТАЖРИБАСИ” БЕКОБОД ТУМАНИДА ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БУГУН АНА ШУНДАЙ АТАЛМОҚДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 18 июль куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳозир 64 та туман аҳолиси томорқадан 3 марта ҳосил олиб, битта оила ўртача 60-100 миллион сўмгача даромад қилаётгани, лекин 22 та туманда томорқадан фойдаланиш самардорлиги пастлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бу борада Бекобод тумани Маллабой маҳалласидаги хонадонлар томорқадан унумли фойдаланиб, эришаётган натижалар, ҳоким ёрдамчиси йўлга қўйган ижобий тажрибани алоҳида намуна қилиб кўрсатди.

Маллабойдан қолган “мерос”

Маллабой маҳалласи муваффақияти сири нимада экани, бундай натижаларга қандай эришилаётгани билан яқиндан танишиш мақсадида Бекобод туманига йўл олди.

▶ Давоми 3-бетда

БАНДЛИК

“ҲОКИМ ВА ЁШЛАР” МУЛОҚОТИ БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Олий ўқув юртини тамомлаган талабанин олдидан асосий мақсад — муносиб шароит ва яхши даромадга эга иш топиш туради. Тўрт йил давомида эгаллаган билимин амалиётда қўллаш орқали жамият ривожига ҳисса қўшиш учун ҳам ёшлар ўз мутахассислиги бўйича муносиб ишга жойлашишга интилади. Аммо ҳар йили меҳнат бозорига юз минглаб йигит-қиз кириб келишини инобатга олсак, танловда қандай рақобат бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.



▶ Давоми 5-бетда

КОРРУПЦИЯСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

БОЖХОНА, СОЛИҚ, БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

СОҲАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ. БУ НАТИЖАГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛДИ?

Давлатимиз раҳбари Президент лавозимига киришиш тантанали маросимида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятлар содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймайлик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”, дея таъкидлаган эди.

▶ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги йиғилишида “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлашда Маданият вазирлиги, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг масъулияти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда маданият вазири О.Назарбеков, Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозаров, Наманган вилояти ҳокими Ш.Абдуразақов, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари Президентимиз ташаббуси билан маданият соҳасини ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, таълим тизими, шунингдек, театр ва опера йўналишларидаги ислохотлар самаралари тўғрисида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонни барпо этишда маданият ва санъат соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ривожланиши ва юқори босқичга кўтарилиши ҳамда миллий маданиятимизни жаҳонга таништириш йўлида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, соҳа ходимлари мақомини ошириш мақсадида 15 апрель Маданият ва санъат ходимлари кўни этиб белгиланди. 2021 йил 20 январдан кўнча қирган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун маданий фаолият соҳасидаги давлат сийосатини рўйбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси, давлатимиз раҳбарининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Моддий-маданий мероснинг кўчмас объектлари миллий рўйхати тасдиқланди, маданиятимизни жаҳонга кенг таништириш мақсадида мақом ва бахшичилик санъати йўналишида халқаро мусиқа анжуманлари, Халқаро хунармандлик фестивали ўтказилиши йўлга қўйилди.

Бугунги кунда соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбек миллий мақом санъати ва Бахшичилик санъати марказлари, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, “Баҳор” давлат рақс ансамбли, худудларда намунавий мақом ва бахшичилик ансамбллари фаолият кўрсатмоқда.

Маданият ва санъат соҳасида етук кадрлар тайёрлаш мақсадида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали, Республика мусиқа ва санъат оқлотси, Нукус опера ва бахшичилик мактаби, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, вазирлик тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш, танқидий таҳлил ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

тизимини тақомиллаштириш, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларини рўйхатга олиш, уларнинг тегишли масъул шахслар ва ходимларга етказилишини таъминлаш, ижросини ўрганиш, назорат қилиш бўйича аниқ тизим йўлга қўйилган.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини ўз вақтида назорат қилиш, эришилган пировард натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар сабабларини аниқлаш, қолаверса, “jrg.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида “jrg.gov.uz” тизими орқали вазирликка 118 та топшириқ келиб тушди. Шундан 117 таси ўз вақтида, биттаси муддатидан ўтиб бажарилди.

Бу жараёнда масъулиятни ҳис қилмаган, берилган топшириқларни ўз вақтида бажармаган, хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга ҳам қатъий чоралар қўрилмоқда. Масалан, шу кунга қадар соҳанинг 4 нафар ходимига интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишда соҳада ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутаётган айрим масалалар борлиги, масъул вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, ёшларни маданият ва санъатга ошно этиш, уларнинг иждоий салоҳиятини рўйбга чиқариш учун қулай шартроит яратиш лозим. Шунингдек, маданият марказларида худуддаги ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки мусиқа ўқитувчиси қайси чолга бўйича мутахассис бўлса, шу йўналишда тўғрақлар ташкил этиб келинган.

Шу боис, йиғилишда аҳоли эҳтиёжлари ва ёшларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда, тўғрақлар фаолиятини қайта қўриб чиқиш ва ташкил этиш, маданият ва санъат соҳасига хусусий инвестицияни кенг жалб қилиш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилди.

Бугунги кунда 500 дан ортиқ маданий маркази, 50 га яқин истироҳат боғи таъмирталаб. Ушбу масканларни замон талаблари асосида тақомиллаштириш учун давлат-хусусий шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида фикрлар билдирилди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг маданий соҳасида 2021-2022 йилларда қабул қилинган қарорлари ижроси ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ИЛМ-ФАН ВА БИЗНЕС ЎРТАСИДАГИ “ОЛТИН КЎПРИК”

Бошлангич 1-бетада

Ташриф доирасида Ўзбекистон — Эрон илм-фан ва инновациялар форуми бўлиб ўтди. Кўп қиррали ҳамкорликнинг асоси — фан, инновация ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан иборат бўлиб, қўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, бунинг натижасида эса иланиш ишлари ва

венчур ташаббусларини молиялаштиришга хусусий секторни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур форум доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги кўргазмалар залида Ўзбекистон ва Эрон инновацион компаниялари ва стартаплари маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада Эроннинг 45 га яқин етакчи компаниялари 100 дан ортиқ инновацион маҳсулотлари, технология ва янги ишланмаларнинг прототиплари, сановат намуналари билан қатнашди. Икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, тиббиёт, ахборот технологиялари ва

озиқ-овқат саноати каби йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида 15 дан ортиқ ялпи мажлис, “Business to Business” (B2B) форматда музокаралар ташкил этилди. Натижада умумий қиймати 28,5 миллион долларлик 7 та меморандум ҳамда ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, ўзаро келишувларга эришилди.

Мухаммад БЕХЕШТИ, Эроннинг “Masoo” компанияси раҳбари:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда кўп-кўп инновацион компаниялар, технопарклар ва IT марказлари ташкил этилган бўлиб, улар турли соҳаларда, жумладан, телекоммуникация, тиббиёт ва фармацевтика, биотехнологиялар бўйича гоғлар ва ихтироларни тижоратлаштириш, маҳсулотларни ички ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш учун хизмат қилмоқда.

Узим тадбиркор бўлганим учун ҳам доим кузатиб бораман: Ўзбекистонда илм-фан ва инновацияларга асосланган корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун ўзига хос механизм йўлга қўйил-

лар ўртасида ўзаро алмашинув алоқаларини кенгайтиришимиз лозим. Биз биотехнология соҳасидаги стартап ва илмий лойиҳаларни молиялаштириш орқали олимларимизнинг бирга-бирликда илмий ишлар билан шугулланиб, натижаларини тижоратлаштириш учун шартроит яратиш, қолаверса, стартап лойиҳалар доирасида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини оширишга тайёرمиз. Тез кунларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик сабаб кўплаб корхоналар ташкил этилади. Фан ва инновациялар соҳасига инвестиция киритишни ҳар икки давлат манфаатларига мос тарзда инновацион тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзига хос ёндашув

Илм-фан ва бизнес ўртасидаги “Олтин кўприк”

ки, мамлакатингизда илмга асосланган иқтисодиёт тез суръатларда тараққий этмоқда. Компаниямиз парранда озуқа маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Ҳозирги кунда парранданинг юқори вази йиғиши ва кўпроқ туҳум беришини таъминлайдиган қирқдан ортиқ фойдаланиш элементларини ўз ичига олган гранула кўринишидаги маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз. Экспорт географиямиз кенг. Форум доирасида соҳада фаолият юротаётган ўзбек корхоналари билан шартномалар имзоладик. Эндиликда қўшма лойиҳа асосида мазкур инновацияни Ўзбекистонга ҳам жорий қиламиз. Ўз навбатида, юртингизда мавжуд технологияларни ўзимизнинг иқтисодиётда ҳам қўллаймиз.

моқда. Ўзбек олимлари томонидан яратилаётган инновацион лойиҳалар ва янги турдаги маҳсулотлар жаҳон бозорига ҳам кириб бораётганидан маълум-

МУНОСАБАТ

НАРХЛАР БАҲАҚАРАРЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ЖОЙДА ЎЗГАРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси

Қишлоқ хўжалиги нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, балки саноатнинг кўпгина соҳаларини хомашё билан таъминловчи муҳим тармоқдир. Юртимизда соҳани ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар замирида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида юртимизда бу борада тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида иккита қонун, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида амалий чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўқинлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича кунча ўтказилган видеоселектор йиғилиши ушбу йўналишдаги ислохотларнинг янада жадаллашувига хизмат қиладди, десак муболага эмас. Зеро, мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланади. Бу эса халқимизнинг озиқ-овқатга талаб ва эҳтиёжини узлуксиз қондиришни тақозо этади. Боз устига, бугунги кунда дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар натижасида маҳсулот етиштирувчи асосий давлатларнинг экспортга чекловлар қўйиши ва транспорт логистикасидаги узилтишлар озиқ-овқат таъминлиги муаммосини юзага келтирмоқда.

Жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоиз ўсиши прогноз қилинмоқда. Бу эса юқоридаги хавф-хатарларнинг аҳолимизга таъсирини юмшатиш бўйича ҳар бир маҳалла, туман, вилоят даражасида аниқ ҳисоб-китоб ва чора-тадбирлар қўриши, яратилган барча имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигини аниқлатади.

Албатта, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ерда боғдорчилик, узумчилик, поллиз ва сабзавотчилик, дуқакли ва мойли экинларни етиштириш, экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизими яратилмоқда.

Бу, ўз навбатида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан баҳаркор таъминлаб беришига қўлмай, нархини пасайтиришда ҳам муҳим омил бўлади. Энг муҳими, кам таъминланган аҳоли қатлами ва вақтинчалик банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг қўшимча даромад манбаини оширишга хизмат қиладди.

Йил бошида пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобидан аҳолига 80 минг гектар майдонни бўлиб бериш бошлангани юрт-дошларимиз томонидан ижобий қабул қилиниб, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожини ва маҳсулот етиштиришда рағбат бўлди. Бунда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга асосий эътибор қаратилётгани аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш учун катта имконият яратаетир.

Эндиликда бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш. Боиси, деҳқончилик қилаётган аҳоли томонидан қўриб-қўрилган тақдирлар ҳамда муаммолар ечимини соҳасида йил якунига яна қўшимча 20 минг гектар экин майдонини аҳолига бўлиб бериш орқали ажратилган ерлар 100 минг гектарга етказилади. Келгуси йилда яна қўшимча 100 минг гектар ер аҳолига ажратиб берилади. Бу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг кишини банд қилиш учун шартроит яратилади.

Статистик маълумотларга кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички истеъмолни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида жами 4 миллион 499 минг гектар ерга экин жойлаштирилган. Бу 2021 йилдаги нисбатан 42,8 минг гектар кўп бўлиб, 3 миллион 191 минг гектарга асосий, 791 минг гектарга такрорий, 140 минг гектарга боғ-ток қатор орасига ҳамда 377 минг гектарга лалмикор экинлар экилган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарида 5,1 минг гектар (2021 йилдагидан 71 гектар кўп) майдонда 2 912 та иссиқхона ишляпти. Шундан 876 гектари гидропоника усулида, 4,2 минг гектари тулпроқда маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, улардан 385 минг тонна маҳсулот олинган.

Йиғилишда экин ерлари ва томорқадан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш, ғалла етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда 3 мингдан зиёд “Томорқа хизмати” корхонаси орқали аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатиш бўйича тизим яратилган. Томорқадан маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм ажратилган. Утган 6 ойда 821 минг тонна ёки утган йилдаги нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот

экспорт қилинди. Ҳозирга қадар ажратилган 64 минг гектарда жами 785 минг аҳоли бандлиги таъминланган.

Жорий йилда ғалла етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш бўйича янги тизим яратилди. Президентимизнинг “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ғаллани сотиб олиш ва сотиш бозор нархлари асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан 1 тонна бошоқли донни сотиб олишнинг минимал нархи 3 миллион сўм деб (2021 йилда 1 550 минг сўм) эълон қилинган.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, фермерларга жозибador нархлар тақлиф этилгани ўз натижасини берди. Июлда биргага 88 минг тонна бугдой чиқарилгани ҳисобига 1 тонна бугдойнинг ўртача нархи 30 фоиз арзонлади. Давлат ресурсларига 1 миллион 842 минг тонна дон харид қилинди ҳамда фермер ва кластерлар томонидан дон корхоналарига 574 минг тонна ғалла сақлаш учун қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йўналишдаги ислохотлар тизимли давом этишини таъкидлаб, мутаассадлар олдига бир қатор вазифалар қўйди. Бунда бугдой хослигини тўлиқ йиғиб-териб олиш ва оғирларга йўқотишларсиз жойлаштириш, бугдойни биргага ўз вақтида ва тўлиқ чиқариш, худудлардаги ун ва нон маҳсулотларига талабни вақтида қондириш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар биз, депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Бу борада аҳоли орасига янада кенгроқ кириб боришимиз, фуқароларга соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятини содда тилда етказишимиз ва имкониятлардан фойдаланиш бўйича тушунарлар беришимиз лозим бўлади.

Йиғилишда яна бир муаммага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, юртимизда 2 миллион 600 мингга хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқлиги, уларнинг эгалари томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уйни кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига кўплаб мурожаатлар тушаётгани айтиб ўтилди.

Чунончи, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 қарра миқдорда ҳисобланмоқда. Шу боис, Адлия вазирлигига кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида кўчма лойиҳаси ишлаб чиқиш тўғрисида, Янги қонун қабул қилинганга қадар бу уйларга уч қарра оширилган солиқ қўллаш тўхтатиб турилади.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аграр соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлардан кўзланган бош мақсад шуки, ҳамма ўз-ғаришларини, янгиликларини ўз кундалик ҳаётида ҳар кун сезиши керак. Нарх баҳардорлиги таъминланган жойда ўзгариш бўлади, тараққиёт бўлади, одамлар ҳаётдан рози бўлади, халқимиз фаровон турмуш кечиради.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Феруза Жўраева ёзиб олди.



КОРРУПЦИЯСИЗ КЕЛАЖАК САРИ

БОЖЖОНА, СОЛИҚ, БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

СОҲАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ. БУ НАТИЖАГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛДИ?

Акмал БУРҲОНОВ,
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори



Бошланиши 1-бетда

Ўтган давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу йўналишда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, соҳани тартибга солишчи ҳуқуқий механизм ва институционал тизимлар яратиш ишлари изчил давом этирилди. Хусусан, бир қатор вазирилик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизими жорий этилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аммо ҳозирга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас эди. Бу эса соҳада амалга оширилаётган тадбирларга ягона мезон асосида ҳолисона баҳо бериш ва уларнинг натижадорлигини янада оширишга тўсқинлик қилаётган эди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 12 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига оид самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ва уларни илгор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этишда муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур қарор билан давлат органлари ва ташкилотларини томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Баҳолаш тизими ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизими мавжудлиги, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш чоралари қўрилгани, раҳбар ходимларнинг ҳалоллиги бўйича шахсий намунаси, ходимларнинг хабардорлик даражаси, ташкилотнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий тартиботдаги фаолиги каби бешта йўналишда 29 та махсус индикатор асосида “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур тизим коррупциянинг юзага келиши учун имкониятлар тақдим этиши мумкин бўлган заиф томонларни аниқлашга ёрдам берадиган диагностика восита ҳисобланади. У коррупцияни баҳолашнинг бошқа кўплаб воситаларидан кескин фарқи қилади. Чунки у коррупцияни идрок этиш, мавжудлиги ёки даражасига эмас, балки ривожланиш потенциалига эътибор қаратади ҳамда келгусида давлатнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, баҳолаш биринчи босқичда ўз тизимида коррупцияга қарши стандартларни жорий этаётган 24 та ташкилотда эксперимент тариқасида ўтказилди. Баҳолаш жараёнини самарали ташкил қилиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан қатор ишлар бажарилди. Жумладан, “E-Anticor.uz” электрон платформаси ишга туширилди, баҳоланадиган давлат ташкилоти масъул ходимлари иштирокида семинар-тренинг ўтказилиб, электрон платформадан фойдаланиш тартиби бўйича қўлланмалар тақдим этилди.

Рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолислигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, улар томонидан ташкилотлар тақдим қилган маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳулосалари олинди.

Баҳолаш натижалари давлат ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши кураш бир неча тенденция ва услублардан фойдаланиб амалга оширилаётганини кўрсатди. Хусусан, **Давлат божжона ва солиқ кўмиталари** барча коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ва хатар омилини минималлаштириш ҳамда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятини барча тарихий ва ҳудудий бўлинмаларда ташкил этиш

орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини жорий қилган. Бу, ўз навбатида, барча жараёнларни назорат қилиш, мавжуд хавфларга тезкорлик билан муносабат билдириш имконини беради.

Бундан ташқари, давлат ташкилоти раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича муросасиз позицияси ва ташкилот тизимига, айниқса, аҳоли ва тадбиркорлар билан бевосита муносабатга киришувчи йўналишлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашиш тенденцияси ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида **Адлия вазирлиги, Давлат божжона, Солиқ ва Статистика кўмиталарини** кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда, баҳолаш натижалари жорий йил “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилган коррупциянинг тарқалганлик даражаси жамоатчилик онлида идрок этилишини баҳолашга қаратилган сўров натижалари билан ҳамоҳанг эканини кўрсатди. Хусусан, сўровнома натижаларига кўра, аҳоли томонидан энг коррупциялашган йўналишлар сифатида қайд этилган соғлиқни сақлаш, кадастр, олий таълим соҳаларига масъул бўлган **Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг** коррупцияга қарши курашиш фаолияти “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритилган маълумотлар таҳлили ва экспертлар фикрига кўра кониқарсиз деб топилди. Бу эса коррупциянинг тарқалганлик даражасини пасайтириш, авваламбор, ташкилотда унинг олдини олиш учун қўлланилаётган **превентив механизмларга** бевосита боғлиқ эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Таъкидлаш лозимки, рейтинг баҳолаш натижалари у ёки бу ташкилот (соҳа) коррупциялашган ёки коррупциядан холи, деган фикрни бермайди.

Баҳолаш натижаларига кўра, 24 та давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги **0 баллдан 100 баллгача** рейтингда баҳоланиб, 3 та ташкилот фойдали самарадорлиги “яхши” (81 баллдан 100 баллгача), 10 та ташкилот фаолияти “қониқарли” (55 баллдан 81 баллгача) ва 11 та ташкилотнинг ушбу йўналишдаги фаолияти “қониқарсиз” (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди.

Давлат божжона кўмитаси ва Давлат солиқ кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти **яхши** деб топилди.

Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Мактабгача таълим, Транспорт вазирликлари, Давлат статистика кўмитаси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш, Давлат активларини бошқариш, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентликлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимлиklarининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти **қониқарли** деб баҳоланди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Халқ таълими, Қурилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш, Кадастр агентликлари, Бўка ва Мирзо Улўғбек тумани ҳокимлиklarининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти эса **қониқарсиз** деб топилди.

Ҳақли савол туғилади: яхши натижага қайд этган давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигига қандай эришилди?

“Яхши” деб баҳоланган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чоралар тизимли равишда амалга оширилган. Хусусан, коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланиб, уларни минималлаштириш бўйича аниқ ва манзилли чоралар кўриб келинмоқда, коррупцияга қарши курашишда ташкилот раҳбарлари шахсий намуна сифатида ўрнатилган.

Бундан ташқари, коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ташкил этилиб, аҳоли билан қайта алоқа ўрнатилган, манфаатлар тўқнашуви бошқариб борилган. Ходимлар, уларнинг яқин қариндошлари ва аҳолини коррупцияга қарши муросасиз руҳда тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Қониқарли натижа кўрсатган давлат ташкилотларида юқорида келтирилган чоралар етарлича тизимлаштирилмаган, коррупцияга қарши курашиш бўйича айрим масалаларга **эътиборсизлик** билан қаралган, белгиланган тадбирлар ижроси тўлиқ назоратга олинмаган.

Рейтинг баҳолашда қониқарсиз деб топилган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ақсарият масалаларга эътиборсизлик билан қаралгани, белгиланган тадбирларни ижро этиш масалалари **умуман назорат қилинмагани** оқибатида коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмаган.

Баҳолаш якунлари бўйича “яхши” деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишдаги ижобий тажрибаси омаллаштирилди. Бунинг учун уларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йўлга қўйилган тизимни бевосита ушбу органларнинг иш жараёни орқали таништиришга қаратилган **маҳорат дарслари ва тренинглар** кўринишида малака ошириш тадбирлари ташкил этилди. Бундан ташқари, махсус графика асосан, бошқа давлат органлари комплаенс назорат тузилмаси ходимларининг ушбу давлат органларида **стажировкадан** ўтиши ҳам ташкил этилди.

“Қониқарли” деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича агентлик томонидан тавсиялар киритилди. Бунда ушбу ташкилотлар коррупцияга қарши фаолиятини яхшилаш бўйича тавсияларга риоя қилган ҳолда, тизимдаги коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали “яхши” деб баҳолашига эришилари мумкин.

“Қониқарсиз” деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва ижросини таъминлаш юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишларида эшитиб берилади.

Баҳолаш давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифалар қай даражада самарали бажарилаётганини мониторинг қилиш механизминини яратиш билан бирга, аниқланган **камчиликларни бартараф этиш**, соҳада **соғлом рақобат** муҳитини кучайтириш, ташкилотлар раҳбарининг **шахсий масъулиятини** оширишга хизмат қилади ва коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартларга асосан **ягона ёндашуви** шакллантиради.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки коррупция қонунийлик ва давлат институтларига бўлган ишончнинг пасайтириши ҳамда одамларда давлат фаолияти самарадорлиги ҳақида салбий тасаввурларни шакллантиради. Шу боис, коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини яратиш бу борада кенг қўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори ҳамда унинг асосида жорий қилинган тизим давлат органларининг ўз фаолиятида коррупцияга қарши муросасиз курашиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини ҳеч қандай коррупциявий манфаатларсиз таъминлаб беришга кенг йўл очди.

Музаффар Абдуллаев олган суратлар.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“МАЛЛАБОЙ ТАЖРИБАСИ”

БЕКОВОД ТУМАНИДА ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БУГУН АНА ШУНДАЙ АТАЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Дастлаб бу ерда умргузоронлик қилаётган пирю бадавлат отахон онахонлардан маҳалланинг тарихи, нега унинг Маллабой деб номланиши ҳақида сўрадик.

— Маллабой маҳалласи ўзига хос тарихга эга, — дейди меҳнат фахрийси Шодмон ота Солиев. — Бир пайтлар, аниқроғи, ўтган асрнинг 20-йилларида маҳалла ўрнида қамишзор, чакалазор, ботқоқлик бўлган. Кейинчалик бу ерга Маллабой исми одам кўчиб келиб, турар жой қурган, ерга ишлов бериб, деҳқончилик қилган. Собиқ иттифок даврида бу ерга водий томондан қулоқ қилинган бир гуруҳ бойлар ва бошқа фуқаролар келиб жойлашган. Шу тариха худуд деҳқонлар меҳнати, омилкорлиги эвазига обод гўшага айланган. Ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-насиба топиш қон-қонига сингиб кетган, уйдабурон маллабойликлар ота-боболари изидан бориб, бугун ҳам мўл-кўл ҳосил этиштирмоқда. Шу тўғрисида маҳалладаги ҳар бир оиланинг рўзғори бут, турмуши фаровон.

Ҳа, 532 та хонадонда қарийб 3 минг киши яшайдиган Маллабой маҳалласи бугун том маънода обод

завотлар, лимон ва мандарин етиштирилмоқда. “Маллабой тажрибаси” омиллашиб, хатто кўшни Назарбой, Мустақиллик, Гулзор маҳаллаларида ҳам иссиқхоналар қурила бошланди. Маҳалла аҳли жуда меҳнаткаш. Улар нафақат иссиқхона иши билан машғул, балки фермер ҳўжаликлари ҳамда кластерларга тегишли далалардан иккинчи ҳосил учун ер олиб, деҳқончилик, пиллалчилик, чорвачилик билан шуғулланиди. Шунданми, маҳалламизда бекорчи одам йўқ, ҳамма доимий иш билан банд.

Маҳалладаги 26 та оиланинг 108 аъзоси “Темир дастар”га киритилган эди. Бугунги кунда аҳолининг ўз томорқасидан унумли фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйишда кўрсатилаётган кўмак тўғрисида 24 та оиланинг 95 аъзоси мазкур рўйхатдан чиқарилди.

Икки нафар ёш “Ёшлар дафтари”га киритилди, хозирги кунда улар иш билан таъминланди. 85 нафар аёл “Аёллар дафтари” рўйхатида эди, уларнинг 12 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 40 нафарига ер берилди. Икки нафарига 33 миллион сўмдан кредит ажратилди, бир нафарига эса субсидия асосида иссиқхона қуришда ёрдам кўрсатилди.

— Очик жойдаги 10 сотих томорқадан бир йил давомида 3 марта ҳосил кўтариш ҳисобига 75-80 миллион сўм даромад олинмоқда, — дейди Маллабой маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Жавлон Мусоев. — Етиштирилмаган маҳсулот ҳажми йилига ҳар оилга 9,7 тоннани ташкил этмоқда. Аҳоли илгари маҳсулотини сотиш учун бозорга бозор сарсон бўлиб юрган бўлса, энди Россия ва Тожикистонга маҳалламизнинг узидан экспорт қилинапти. Туманда “Маллабой тажрибаси”ни яратиш мақсадида имтиёзли кредит асосида 4 сотихли иссиқхоналар ташкил этилиб, деҳқончиликда тажрибаси бўлган 50 та оилга тақсимланди. Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда деҳқон ҳўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳалламиздаги 89 та оилга унумдор ерлардан ажратиб бердик. Айтиш жоизки, яратилган имконият ва имтиёзлар тўғрисида одамлар томорқадан яхши даромад олишни бошлади. Уларнинг ерга меҳри ошди.

Маҳалла аҳли аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, улар бир-бири билан оға-ини, опа-сингилдай бўлиб кетган. Шунинг учун оилавий ажрим, жиноятчилик йўқ. Бизнингча, бу одамларнинг меҳр-оқибати, ҳаммаслак экани, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши, бир-бирдан ўз ёрдамини ямааслиги тўғрисида.

— Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмади, — дейди Шоҳиста Маҳмудова. — Буни ўз ҳаётим мисолида кўрялман. Уйимизда 14 сотих иссиқхона қурганмиз. Нафақага чиққандан кейин иссиқхонада деҳқончилик қила бошладик. Олдин асосан чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланганмиз. Ҳар йили биринчи экинга баклажон, иккинчи экинга помидор экамиз. Биргина баклажондан бир мавсумда ўртача 30 миллион сўмдан ортик даромад топамиз. Экинлар томчилатиб суғорилади, бу сувни



ва файзли. Маҳаллада 540 ўринли мактаб, 94 ўринли мактабгача таълим ташкилоти мавжуд. Савдо ва хизмат кўрсатувчи 14 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда маҳаллада кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилди. Хусусан, яқинда маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси барпо этилди. Мактаб учун қўшимча икки қаватли бино қад ростлади, болалар бoғчаси инвестиция дастурига асосан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ички йўллар асфальт қилинди.

Ҳалол меҳнат бор жойда ризқ ва барака бўлади

Кейинги 5-6 йилда маҳаллада иссиқхона ҳўжаликлари сони кўпайди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини қишин-ёзин мева, сабзавот, полиз экинлари билан таъминлаш, экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қолаверса, янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

— Авваллари маҳалладаги 4-5 та хонадондагина иссиқхона бор эди, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдуллажон Сироҳиддинов. — Иссиқхона томорқада экин етиштиришга қараганда анча самарали эканини, ундан кўпроқ даромад олиш мумкинлигини кўрган бошқа фуқаролар ҳам иссиқхона қуришга қизиқиб қолди. Иссиқхонаси бор одамлардан керакли йўл-йўриқ, маслаҳат олиб, ўз бизнесини йўлга қўя бошлади. Бугун маҳалламиздаги 98 фоиз хонадонда иссиқхона бор. Уларда баклажон, помидор, бодринг, қарам, бўлғор қалампирни каби саб-



Ҳоким ёрдамчиси — маҳаллага кўмакчи

Бундан 5 йил аввал маҳаллада 16 та оиланинг иссиқхонаси бўлган, сўнгги икки йилда 300 га яқин аҳоли ўз томорқасида иссиқхона ташкил этди. Бугун 532 та хонадоннинг 502 тасида мева-сабзавот етиштиришга мослашган иссиқхоналар мавжуд.

Ўртимизнинг ҳар бир маҳалласида ҳоким ёрдамчиси фаолияти йўлга қўйилгани аллақачон ўз самарасини бермоқда. Улар аҳолини тадбиркорлик, деҳқончилик, томорқачиликка жалб қилиб, бандликни таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга кўмаклашмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ШАҲАРЧАГА АЙЛАНГАН ҚИШЛОҚ



ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР КУЗАТИЛМАЁТГАН МАҲАЛЛА

Шаҳарчада бугун олти та маҳалла бор. Унда ўн бешга яқин миллат вакиллари бўлган 20 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Помуқ шаҳарчасининг Тинчлик маҳалласи ўз номи билан энг тинч ва фаровон ҳудудлардан. Ҳозир маҳаллада 562 та оила аҳил-иноқ яшаб келади. Айтишларича, сўнги йилларда бу маҳаллада бирорта ажрим кузатилмаган.

— Шу маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаётганимга беш йилдан ошди, — дейди Хосият Дўстова. — Утган даврда оилавий келишмовчилик ёки ажрим гувоҳи бўлмадим. Ундан олдин ҳам деярли кузатилмаган. Адашмасам, яқин ўн йиллар ичида оилавий ажрим қайд этилмаган. Маҳалламиз одамлари тинч, аҳил ва иноқ. Агар бирор оилада келишмовчиликлар юзга келса, оқсоқолларнинг ўзлари муромага келтириб қўяди. Ёшларимиз кексаларни ҳурматлаб, уларнинг маслаҳатларига

қулоқ тутаяди. Қизларимиз онахонларнинг ўғитларига амал қилиб, оила аталмиш муқаддас кўрғонни асрашга интилади.

2450 киши яшайдиган бу маҳаллада бирорнинг бекор ўтирганини кўрмайсиз. Аҳоли оилавий ҳунармандлик, қосиблик, дурадгорлик билан шуғулланиб, яхши даромад топади. Кимдир ишсиз қолса, уша фуқаронинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу маҳаллада яшовчи Сувон ота Шукровнинг ўғли ишсиз эди. У ўғлининг бандлигини таъминлаш учун маҳалладаги ҳоким ёрдамчисидан имтиёзли кредит асосида юк ташувчи мотоцикл олиб беришга қўмақлашганини сўради.

Ҳоким ёрдамчиси отахоннинг мурожаатини ўрганиб чиқиб, мотоцикл харид қилиш учун имтиёзли кредит ажратилишида қўмақлашди. Энди отахоннинг ўғли иш билан банд.



ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА ШИФО МАСКАНИ

Бугун Миришкор туманининг энг чекка ҳудуди — Помуқда шаҳарчадан ҳам қолшмайдиган замонавий шифохона фаолият юритмоқда. Уч қаватли шифо масканда беморлар учун барча шароитлар яратилган.

— Бироз тобим қочгани боис, даволаняпман, — дейди Жийнов қишлоғлик Зебинисо Баратова. — Доим шу ерга келиб муолажа оламан. Чунки шароитлар яхши. Шифокорлар ҳам тажрибали, ширинсўз. Ҳар сафар келганимда яхши кутиб олишади, яхши кайфиятда, соғлиғимни тиклаб, уйга қайтаман. Шифохона яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилибди. Натижада олдингидан ҳам кўпроқ қўлайликлар яратилган.

Утган йили 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига капитал таъмирланган шифохона 104 урилли бўлиб, айна пайтада 18 нафар шифокор, 145 нафар ўрта тиббиёт ходими беморларга хизмат кўрсатиб келмоқда.



ОБОД ГЎШАЛАР



ОДАМЛАРНИНГ ҲАСРАТИДАН ЧАНГ ЧИҚАРДИ

Мамлакатимизда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмасини, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада энг чекка қишлоқлар ва маҳаллалар ҳам замонавий қиёфа касб этиб, турмуш даражаси ошмоқда.

Икки-уч йил олдин Помуқда бўлсангиз, ростки, бу ерда яшаётган одамларга раҳмингиз келарди. Боиси, йўллари абгор, мактабу ботча, маҳалла идораси клуб таъмирталаб, электр, ичимлик сув таъминотида муаммолар талайгина эди. Бирор киши билан суҳбатлашсангиз, ҳасратидан чанг чиқарди. Бугун эса ислохотлар самарасида бу макон ўзгача чирой очиб, ҳақиқий шаҳарчага айланди.

Утган йили бу манзилни обод масканга айлантириш мақсадида кўплаб ишлар

амалга оширилди. Хусусан, 22 километр узунликдаги ички йўлларга қўм-шағал ётқизиблиб, 5 километрга яқини асфальт қилинди. 4 та янги трансформатор, 100 дан ортиқ бетон устун ўрнатилди. Шунингдек, 2750 метрлик велосипед ва пиёдалар йўлаги қурилди. Мактаб, мактабгача таълим ташкилоти бинолари, аҳоли томорқаларини суғурядиган бетон ариқлар таъмирланди. Шаҳарчада футбол майдони барпо этилди. Кўчаларга янги чироқлар ўрнатилиб, марказ обод гўшага айланди.

ҚАЙТА ЖОНЛАНГАН САНЪАТ

Бир пайтлар қишлоқнинг кўрки ҳисобланган клуб кейинги йилларда қаровсиз, таъмирталаб аҳволга келиб қолганди. 2021 йилда клуб 1,5 миллиард сўм эвазига қайта таъмирланди ҳамда замонавий кўринишга келтирилиб, Помуқ маданият марказига айлантирилди.



— Шаҳарчамизда янги маданият маркази ташкил этилгани биз, санъатсеварлар учун ажойиб тўхфа бўлди, — дейди Помуқ маданият маркази раҳбари Собиржон Аминов. — Натижада ёшларимиз мусиқа ва санъат тўғрисида катта билимга эришди. Ҳозир мусиқа, халқчилик, бахшичилик, эстрада, анъанавий хонандалик каби тўғрақлар фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, “Сарвиноз” туркман фольклор жамоаси тузилган. Бу ерда ёшлар халқ оғзаки ижоди намуналарини кўриб ва меҳр билан ўрганишди.

Марказда кенг ва шинам концерт зали, мусиқа тўғраги хоналари ҳамда кутубхона мавжуд.

— Китоб мутолааси инсонга маънавий озۇқа беради, — дейди кутубхона мудираси Норсултон Андаева. — Кутубхонамизда ўзбек, туркман, жаҳон адабиёти дурдоналари бор. Қувонарлиси, китоб ўқиш истагидаги ёшлар сони кўндан-кўнга кўпайиб бормоқда. Маданият марказида бўлганимизда мусиқа хонасидан миллий чолғулар жўрлиғида кўҳна оҳанглар эшитилди.

— Болаларимиздан санъатга, айниқса, миллий қўшиқларимизни қуйлашга қизиқаман, — дейди “Сарвиноз” туркман фольклор жамоаси аъзоси Дурдона Отамуродова. — Олдин бу ерда мусиқани ўрганишга шароит йўқ эди. Утган йили шаҳарчамизда болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилди. Бу эса ёшлар учун имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзим ҳам шу мактабда мусиқадан дарс бераман. Шу билан бирга, фольклор жамоаси аъзосиман. Шаҳарчамизда яратилган шароитлар маданият ва санъат соҳаси ривожига ўз аксини топтоқда.

БАРЧАСИ ШАҲАРЧАНИНГ ЎЗИДА

Миришкор тумани маркази ва Помуқ шаҳарчаси ўртасидаги масофа 45-50 километр. Авваллари бирор керакли ҳужжат олиш мақсадида туман маркази томон йўлга чиқсангиз, анчагина пулингиз ва вақтингиз кетарди. Энди эса бу муаммолар орта қолди. Чунки шаҳарча аҳолиси учун Миришкор тумани Давлат хизматлари марказининг Помуқ филиали очилди. Филиалда барча хизматлар ташкил этилган, одамлар шу ернинг ўзида зарур ишларини битириши мумкин.

— Туман марказида қандай хизматлар кўрсатилаётган бўлса, филиалимизда ҳам шундай имкониятлар яратилган, — дейди Миришкор тумани Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси Отабек Хўжаназаров. — Буларнинг бари инсон манфаатлари учун қилинаётган ҳаракатлар самараси. Бугун шаҳарча аҳли олдинги-

дек маълумотнома олиш учун сарсон-саргардон бўлиб, вақт йўқотиб юрмайди.

Помуқда “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Миришкор филиали Помуқ банк хизматлари маркази ҳам аҳоли учун қўлай хизматларни йўлга қўйган. Бу ерда банкматлар ўрнатилган бўлиб, аҳоли хоҳлаган пайтада пулни нақдлаштириши мумкин.

— Одамларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида банкимизнинг Помуқ банк хизматлари маркази ташкил этилди, — дейди мазкур марказ раҳбари Жаҳонгир Рамазонов. — Бу эса шу ердаги тадбиркорлар, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва аҳоли учун жуда қўл келди. Ҳозир банкимизда микроқарзлар, автокредитлар, пластик карталар олиш, валюта айирбошлаш каби хизматлар мавжуд.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ РАМЗИ

Юртимизнинг Туркменистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган Помуқ бугун обод масканга айланиб, халқлар дўстлигининг рамзий шаҳарчаси сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Буни бу ерда доимий равишда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон ашайлик” шиори остида ўтказилаётган байрам тадбирлари ҳам исботлаб турибди. Шаҳарчада ташкил этилаётган муסיқий кечаларда турли халқларнинг миллий либослари, қадимий анъаналари, миллий тасмлари кўргазмаси мунтазам намойиш этилади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарчага айланган обод Помуқда яшовчи аҳоли фаровон ҳаёт кечирish учун ўзларига яратилаётган имкониятларга шўқрона келтиряпти. Бу қувонч ва мамнуликни уларнинг сўзларидан, юз-кўзларидан англаш мумкин.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИСЛОХОТЛАР — АМАЛДА

ЙЎЛ РАВОН — МАНЗИЛ ЯҚИН

Бугун мамлакатимиз бўйлаб йўлсозлик соҳасида ҳам катта ташаббуслар кўр олмақда. Соҳани ривожлантириш, халқаро талаблар даражасига келтиришга алоҳида ёндашув бошланди. Замонавий йўллар қурилмоқда, йўл ўтказгичлар, кўприклар, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари бунёд этилмоқда. Юртимизнинг чекка-чекка қишлоғу овулларида ҳам ички йўллар таъмирланаётгани, тупроқ кўчалар ўрнида замонавийлари бунёд бўлаётгани аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Кўчамиз қишда ботқоқ, ёзда тупроқ эди

Сирдарё тумани ҳам бугун бунёдкорлик майдонига айланган. Ҳудудлар бўйлаб қад ростлаётган маийий хизмат кўрсатиш иншоотлари, текис ва равон йўллардан аҳоли мамнун.

— Кўчамиз уйдим-чўқур бўлиб кетганди. Одамлар машина тугул, трактор билан ўтишга ҳам оғинарди, — дейди Фуқаро маҳалласида яшовчи Акром Қодиров. — Чўқурларни текислаштириб эсимиз кетарди. Ёмғир ёғса, экин-тикинга фойда, ёғсин дейсиз, бироқ ёмғирдан сўнг пайдо бўлган қўлмақлар одамни қийин вазиятга солиб қўярди. Мактабдан қайтган болаларнинг-ку, қийимига қараб бўлмасди — ҳамма ери лой, оёғи жижика ҳўл. Ёзда аксинча, чанг-чунг. Одамлар қоримга ярасин деб машина сотиб олади. Айни қиш-қировли кунларда машиналар лойга ботишидан, филдираклари чўқурчаларга тушаверишидан зада бўлиб, қўчага яёв отланишни маъқул кўрган кўчаларимиз бўлди. Бугун текис, равон йўллар орқали кўзлаган манзилимизга

машаққатсиз етиб бормоқдамиз. Қишда қўлмақдан, ёзда чангдан айланиб ўтиш керак, деган хавотир йўқ. Мана, булар экан-у роҳатланиб яшасак, деб қувоняймиз. Бу ишга бош бўлганлар барака топсин.

Туманда мавжуд ички йўлларнинг қарийб 150 километр қисми таъмирталаб ҳисобланади. Утган 2021 йил давомида туманда биринчи навбатда таъмирланиши зарур бўлган 31 километр масофадаги ички йўл мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, шағал қоршамаси билан текисланди. Хусусан, Орзу, Ширин, Заршунос, Улуғбек, Янгиобод маҳаллаларида ички йўллар таъмирланди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига кўра, жорий йил якунига қадар тумандаги 120 километр ички йўлни тўлиқ таъмирлаш назарда тутилган.

— Бу ерда яшаётганимга 50 йилдан ошди, — дейди Пахтакор маҳалласида яшовчи Норбеғим Мамаюнова. — Йўл муаммоси бизни ҳаммиша қийнаб келган. Бирор жойга отлансак, қўшимча оёқ қийим олиб юрардик. Қишда ёғин-сочин туфайли оёғимиз лойга ботса, ёзда сал



шабада эса ҳам уйимиз чанга тўларди. Анча йиллар илгар маҳалла билан келишиб, ўзимиз пул йиғиб шағал ётқизганимиз. Бироз ўнлангандай бўлди, бироқ юриш барибир ноқўлайлигича қолди. Яқинда кўп йиллик орузимиз ушалди, кўчамизга бетон қоплама ётқизилди. Ишонасизми, ҳамма уйда байрам бўлди уша кўни. Қувончимизни сўз билан ифодалаш мўшкул. Энди невараларимиз бемалол мактабга катнайдди. Қуз яқин. Ёмғиру қордан қўркуғимиз, ҳақдимиз йўқ.

Ҳар бир мурожаатчининг масаласи — муҳим

Давлатимиз раҳбари жорий йил 7 апрель кўни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Бугун муҳомада қиладиган учта масаламиз бевосита инсон қадри билан боғлиқ, халқимизни рози қилишга қаратилган. Уларни бажармасликка ҳеч қайси раҳбарнинг ҳаққи йўқ. Кўн тартибдаги биринчи масалада ички

йўллар сифатини яхшилаш бўйича аниқ вазифаларни муҳомада қиламиз. “Ташаббусли бюджет” портали орқали аҳолидан тушган 20 мингга ёки жами тақдирларнинг 25 фоизи ҳам ички йўлларни яхшилаш билан боғлиқлиги масаланинг долзарблигини кўрсатмоқда”, деди. Шундан сўнг ички йўлларга эътибор янада кучайтирилди. Маҳаллаларнинг ҳатто тош қўрмаган кўчаларига шағал тўкилиб, асфальт қилинмоқда, бетон қоплама ётқизилмоқда.

— Ҳеч бир муаммонинг ечими ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун малакали мутахассислар, замонавий технологиялар, инновацион ғоялар, энг муҳими, ташаббус керак, — дейди Сирдарё тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шерали Ҳақимов. — Туманда фаолият кўрсатаётган “New Sirdaryu” ҳамда “Sayxun Sirdaryu g'urupi” МЧЖлар бу борада аҳоли қорига ярамоқда. Шартнома имзолашда танлаб олинган қурилиш ташкилотларининг тажрибаси ва махсус техникасини ҳисобга олганмиз. Чунки одамларнинг йиллаб кутган орзуларини амалга оширишда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Аҳолининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши, туман ободонлаштириш бўлими ходимларининг меҳнати бу бунёдкорлик ишларида асқатмоқда.

Дастур доирасида шу кунгача туманимиздаги Тадбиркор, Янгиобод, Заршунос, Ширин, Хазина, Навруз, Оқ йўл каби маҳаллалардаги 10 километрдан ортиқ ички йўл таъмирланди. Масалан, биргина Янгиобод маҳалласининг ўзида 7 та кўча таъмирланиб, янги симёғчалар ўрнатилди. Қарийб 6 километр узунликдаги бу йўллар халқ хизматиға топширилди. Хазина маҳалласида эса 400 метрлик пиёдалар йўлаги қурилди. Таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бу лойиҳа доирасида ҳали ишлар давом этади. Ички йўллар бўйича ҳар бир мурожаатчининг фикри муҳим, инobatга олинади, таъмирталаб йўлларимиз текис ва равон бўлади.

Башорат ОТАЖОНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ДАВЛАТ ТИББҲИЙ СУГУРТАСИ

ДАСТАБКИ НАТИЖА НИМАЛАРДА КЎРИНМОҚДА?

Давлат тиббӣй сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида тажриба-синов тарикасида жорий этиш лойиҳаси бошланганига ҳам бир йил бўлди. Лойиҳа жорий этилиши давомида вилоят аҳолисining электрон реестри шакллантирилди. Беморнинг касаллиги, қайси шифокор қабулида бўлгани, тахсис ва даволаниш ҳолати ҳақидаги барча маълумот электрон базага киритилмоқда. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шифокорлар фаолиятини баҳолашга хизмат қилмоқда.



лаборатория-диагностика текширувларига юборди. 10-халқаро касалликлар таснифига кўра, аниқ тахсис кўйилган, электрон тиббӣй картага маълумотлар киритилади ва электрон рецепт шакллантирилади. Уша захоти беморнинг мобил телефонига хабар келади. Зарурат туғилганда (беморнинг талабига кўра), шифокор электрон рецептни беморга қўғоз шаклида тақдим этиши мумкин.

Шу асосда поликлиникага мурожаат қилган ёки шифохонага борган шахсга индивидуал маслаҳат бериш, зарурат бўлса, назоратга олиш, консултация ва даволаш-реабилитация жараёнига жалб қилиш амалиёти олиб бориляпти. Вилоятдаги ҳар бир тиббӣёт муассасасида тиббӣй бригадалар шакллантирилиб, 852 мингдан ортиқ аҳоли хатловдан ўтказилди.

Масалан, Гулистон шаҳридаги 4-оилавий поликлиниканинг бир амалиётчи ҳамшираси томонидан жорий йилнинг январь-февраль ойларида 40 ёшдан ошган 165 киши мақсадли скрининг текширувларидан ўтказилди. Наттижада уларнинг 114 нафари (69 фоизи)да юрак-қон томир касалликлари бўйича хавф омиллари эрта аниқланиб, назоратга олинди. Энг муҳими, тиббӣёт муассасасига келган беморлар энди навбатда кутиб турмайди. Улар олдиндан, ўзига қулай вақтда электрон навбатга ёзилиш имкониятига эга. Тиббӣй бригадалар фаолияти тўғрисида олиш шифокорнинг обрӯси ортиб, меҳнат самарадорлиги ҳам ошмоқда.

— Тиббӣёт соҳасида биринчи мақсад трансформация, яъни беморга қулайлик яратиш, — дейди соғлиқни сақлаш вазир Бехзод Мусаев. — Бемор шифокорга мурожаат қилгандан бошлаб кейинги жараёнларга тартибга келтириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Шифокор қабулига олдиндан ёзилиш, вақтини белгилаш, белгиланган муддатда қуриқдан ўтиш шифокор учун ҳам, бемор учун ҳам бирдек қулай. Бу орқали бошқарилимайдиган навбатга чек қўйилди.

Сирдарёда профилактик кўриклари ўрнига ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб мақсадли скрининг текширувлари олиб борилмоқда. Асосан, профилактикага эътибор қаратилмоқда. Профилактика ишлари яхши йўлга қўйилса, касаллик кам бўлади ва унга сарфланадиган маблағ ҳам тежаланади. Мақсад ҳам касалликларни эрта аниқлаш, тиббӣй ёрдамнинг бирламчи бўлишида малакали ва сифатли хизмат кўрсатиш, аҳолининг саломатлик даражаси, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишдан иборат.

— Ўзбекистон аҳоли саломатлигини сақлашнинг сифатли моделини жорий этмоқда, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистон бўйича маслаҳатчиси Кристофер Фицпатрик. — Бу ривожланган давлатлар тажрибасидан ўтган жуда яхши моделдир. Биз жараёнларни бевоқиф кузатиб бораётмиз ва эксперт сифатида айтишим мумкинки, касалликка чалинган инсоннинг ўйига бепул дори-дармон етказиб бериш унга имкон қадар тезроқ ёрдам кўрсатишга хизмат қилади. Ҳар бир соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос жиҳатлари бор. Касалликларни даволашдан кўра олдини олган яхши, шу билан бирга, касалликларни эрта аниқлаш ҳам даволашда катта самара беради. Ўзбекистонда илк бор давлат тиббӣй сугуртаси тизимини тажриба-синов тарикасида жорий этиш, беморларга қулайлик яратиш мақсадида шифохоналарни бирлаштириш, уларнинг негизига тиббӣёт кластерини ташкил этиш, у ерда илм-фан ва амалиётни уйғунлаштириш ишлари бажарилмоқда. Соҳада мурраккаб ва юқори технологик амалиётлар жорий этилаётир. Бу борада ҳам халқаро тажрибадан келиб чиқиб тавсия ва маслаҳатлар бериш, ушбу мурраккаб жараёнларнинг амалиётга тезроқ таътиқ этилишига кўмаклашишга доим тайёрмиз.

Давлат тиббӣй сугуртаси механизмлари доирасида сурункали касалликларга чалинган беморларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Илгари улар рўйхатга олинган, даволаниш буюрилган ва кузатувга олинган. Афсуски, ҳамма бемор ҳам дори-дармонни ўз вақтида харид қилиб, муолажаларни бошлай олмасди. Наттижада беморларда асоратлар пайдо бўлди. Энди давлат тиббӣй сугуртаси жорий этилгани тўғрисида беморларга дорининг бир қисми бепул берилмоқда. Дорихона эса поликлиниканинг ўзига жойлашган.

Давлат тиббӣй сугуртаси механизми жорий этиш жараёнида реимбурсация тизими ҳам амалиётга киритилди. Бу "ҳаражатларни қоплаш" маъносини англатади. Яъни аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дори-дору ҳаражатларини мақсадли компенсация қилишни назарда тутати.

Даволаш стандартларига кўра, дори қабул қилиш ҳар қандай касаллиқни даволашнинг ажралмас қисмидир. Бироқ

сурункали касалликларни амбулатор шaroитда узлуksиз даволаш тизими мумкин эмас. Шу боис, аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини ошириш учун реимбурсацияни амалиётга жорий этиш зарурати юзга келди.

— Реимбурсацияда асосан уч хил йўналишдаги — гипертензия, юрак ишемики, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги қамраб олинган, — дейди Давлат тиббӣй сугуртаси жамғармаси имтиёзли дори воситалари билан таъминлаш бўлими бош мутахассиси Мавлуда Гьёсова. — Мазкур жараёнда биз 11 та дорино халқаро патентланмаган ном билан киритганимиз. Бу тизимнинг йўлга қўйилгани сурункали касаллик билан оғирланган дори-дармон билан узлуksиз таъминлаш имкониятини беради. Бемор электрон рецепт асосида дорино ўзига қулай вақтда олиши мумкин. Бунинг учун сурункали касаллик билан диспансер назоратида турган беморлар ўз оилавий шифокорига мурожаат қилади. Шифокор беморни зарур текширувдан ўтказсади, керак бўлса,

Шифокордан электрон рецептни олган бемор Давлат тиббӣй сугуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дорихонага дори олиш учун мурожаат қилади. Реимбурсацияда иштирок этаётган дорихона беморга дори-дармонни электрон рецепт асосида бепул беради. Бунда берилган дори бўйича дорихоналар сарф-ҳаражатини Давлат тиббӣй сугуртаси жамғармаси қоплаб беради. Шартнома бандлирига кўра, дорихоналар рўйхатга киритилган дори-дармоннинг узлуksиз таъминотини ҳамда жорий йил якунига қадар уларнинг нархи ўзгармаслигини таъминлаши лозим.

Реимбурсация шаффофлик ва адолат тамойилларига жуда мос бўлиб, жараён электрон амалга оширилади. Давлат тиббӣй сугуртаси жамғармаси, бирламчи тиббӣй-санитария ёрдами муассасалари ва дорихона раҳбарлари бевоқиф кузатиб бориш имкониятига эга. Реимбурсация ҳозир фақат Сирдарё вилоятида тажриба-синов жараёнида амалиётга таътиқ этилмоқда. Олинган натижаларга кўра, келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, беморларнинг дори-дармонини қабул қилиш ва соғлом туриши тарзига риоя этилиши таъминлаш мақсадида оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларида сурункали касалликларга чалинган беморлар учун "Профилактик мактаблар" очилиб, уларда патронаж ҳамширалар сурункали касалликларга чалинганларни кузатиб бормоқда.

Юртимиздаги ҳар бир ислохотда, энг аввало, аҳоли эътиҳшлари ҳисобга олинади. Сирдарё вилоятида йўлга қўйилган давлат тиббӣй сугуртаси тажриба-синов лойиҳасининг илк натижалари ҳам аҳолининг сифатли ва малакали тиббӣй хизматдан фойдаланишини таъминлаш, саломатлигини асрашга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин исботидир.

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

“ҲОКИМ ВА ЁШЛАР” МУЛОҚОТИ

Битирувчиларни иш билан таъминлашда муҳим омили бўлмоқда

Бошланғичи 1-бетада
Мамлакатимизда ҳар бир ёшнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, олий ўқув юрти битирувчиларига ўз соҳаси бўйича ишга жойлашишга кўмаклашиш давлат сисётининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Йигит-қизлар учун барча ҳудудларда нафақат янги иш ўринлари яратилляпти, балки уларга раҳбарлик лавозимлари ишониб топширилмоқда. Жорий йилнинг 15 июнь кунин давлатимиз раҳбари раислигида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ёшлар бандлигига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда 555 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани айтилиб, барча ҳокимлар битирувчилар билан шахсан учрашиши таъкидланган эди.



Университет битирувчиси — директор ўринбосари

Бу йилги олий таълим битирувчилари учун мамлакатимиз бўйлаб илк бор ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви тадбирлари катта янгилик бўлди. Бухоро вилоятидаги олий ўқув юртиларда ташкил этилган шундай учрашувларда вилоят, шахар ва туманлар ҳокимлари қатнашиб, ёшларнинг қизиқиши, мурожаатларини тинглади. Инновациялар, лойиҳа ва мақсадлари билан танишди. Уларнинг бандлигини таъминлаш ташкил этилди. Бухоро давлат университетидеда 2021/2022 ўқув йилида 36 та йўналиш бўйича 3497 нафар бакалавр, 31 та мутахассислик бўйича 489 нафар магистр — жами 3986 битирувчи ўқишни тамомлади. Улар учрашувларда фаол қатнашиб, мингдан ортиқ ўша жойнинг ўзида иш билан таъминланди. 800 нафардан зиёд йигит-қизга имтиёзли кредит ва субсидиялар берилиб, меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш имконияти яратилди. Учрашувларда айрим ёш-

лар раҳбарлик лавозимларига ҳам тайинланди. Улар орасида университет битирувчиси Гулҳаё Жўраева ҳам бор.

— Мени Когон тумани ҳокими Муҳиддин Эсоновага мактаб таълимини янада ривожлантириш борасида ўз таъкидларини билдириб, имконият бўлса, бирор мактабга ишга олишларини сўраб мурожаат қилдим, — дейди бўлажақ педагог. — Кутилмаганда мени Когон туманидаги 10-умумтаълим мактабига директор ўринбосарлигига таъкиф этишди. Аввалга иккиландим, кейин масъулиятли вазифага рози бўлдим. Бундан ҳам ҳайратим, ҳам қувончим ортди. Ахир дипломини қўлимга олмагандан олдин ишли бўлдим-да! Шунда бирдан Президентимиз биз, ёшларга яратиб бераётган имконият, қўллаб-қувватловни хис қилдим. Билдирилган ишонч менга катта рағбат, янги орзу-мақсадлар берди. Келгусида олий таълимнинг магистратура босқичини ҳам тамомлаб, етук мутахассис бўлишни ният қилганман. Қолаверса, замонавий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича кўплаб режаларим бор.

Мақтабда астойдил ишлаб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўишга тайёрман.

Гулҳаё университетда география йўналишини тамомлаган бўлса-да, ўзи ижодкор, адабиётга меҳри бўлачқа. Шеърлари, маколларининг ўз муҳлислари бор. Турли танловларда фаол қатнашиб келган. Ўқиш даврида 30 га яқин илмий конференцияда иштирок этди. Умуман, Гулҳаёнинг ташаббускорлик қобилияти ҳам етарлича. Демак, мактаб ўқувчилари билан тез тил топишди. — Авваллари ёшларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш у ёқда турсин, бирор масъулиятли вазифани ишониб топшириш амри маҳол эди, — дейди Бухоро давлат университетини биринчи проректори Азизбек Омонов. — Ташкилотлар ходимини ишга олган, айниқса, у ёш бўлса, то 35-40 ёшга етмагунча бирор лавозимга қўймасди. Бу, албатта, талаб даражасидаги ёш кадрлар етишмаслиги билан ҳам боғлиқ эди.



Янги Ўзбекистонда бошланган ислохотларнинг энг аввалида таълим тизими, ёш ва малакали кадрларни тайёрлашга эътибор қаратилгани бугун ўз самарасини бера бошлади. Билимли, малакали, замонавий кадрлар етишиб чиқиб, корхона-ташкилотларда уларга талаб ортиб бормоқда. Наттижада жамиятда ёш вазир ўринбосари, ёш ҳоким, ёш тадбиркорлар пайдо бўлди. Бугун раҳбар лавозимларида ёшлар улуғи ширин бўлмоқда. Қувончлики, улар ўз фаолиги, ташаббускорлиги билан бошқа тенгдошлари бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўишпти.

Умуман, сўнгги йилларда ёшлар билан ишлаш бўйича мулқлоқ янги тизим яратилганига гувоҳ бўлялмиз. Ҳар соҳада йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар жадвал. Маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчиси фаолият бошлади. Уларнинг ҳар бири тенгдошлари билан бевоқиф ишлаб, турли масалаларда кўмаклашиб келляпти. Ушбу янги тизим асосида 8 миллиондан зиёд йигит-қизни қамраб олган "Ёшлар баллиси" шакллантирилиши ёки ҳозирга қадар "Ёшлар дафтари"га киритилган 700 мингдан ортиқ ёшнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллирдан сўм йўналтирилгани катта ҳаракатлар самарасидир.

Соҳалар, тармоқлар ривожланган сари билимли, ёш мутахассисларга эътиҳж ортиб бораверади. Малакали кадрларни тайёрлашда эса олий таълим таянч вазифасини ўтайди. Биргина Бухоро давлат университети мисолидан айтадиган бўлсак, бу ерда талаба-ёшларнинг нафақат сифатли таълим олиши, балки илмий изланишларини давом эттириши, лойиҳаларини амалга ошириб, билимларини амалиётда қўллашлари учун барча шароитлар яратилган. Ёшлар бундан унутмили фойдаланиб, салмоқли ютуқларга ҳам эришиб келмоқда. Кўпчилиги фан олимпиадалари, турли танловлар ғолиблари қаторидан жой олган.

Талабаларнинг нафақат таълим олиши, балки университетни тамомлашга, иш билан таъминлашига ҳам масъулият билан ёндашилади. Битирувчилар учун қатор учрашувлар ташкил этилиб, ўз йўналишлари бўйича соҳа вакиллари билан таништирилгани боиси ҳам шунда. Қолаверса, вилоятда ҳокимлик, меҳнат бошқармаси ташаббуси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича вилоят идоралараро кенгаши қарори асосида ёшлар бандлигини таъминлаш

"Call маркази" фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу марказга университет мутахассислари жалб этилиб, 2021/2022 ўқув йили битирувчиларнинг ишга жойлашиши мониторингини тизимли равишда амалга ошириш имконияти яратилди.

"Президентимиз чорловларининг амалий исботини кўрдим!"

"Ҳоким ва ёшлар" учрашуви бир-бирига улашиб, университетнинг фаоллар залида қизгин давом этди. Гулҳаёнинг ҳаяжони босилиб улғурмасдан, бошқа курсдошлари ҳам учрашувларда бирин-кетин мутахассисларга мурожаат қила бошлади. Йигит-қизларнинг яна бир қанчаласи ўша жойнинг ўзида иш таъкиф этилди.

— Университетимизга Вобкент тумани ҳокимлиги масъул раҳбарлари келиб, битирувчи ёшлар билан учрашгани биз учун айни мудоао бўлди, — дейди университет битирувчиси, вобкентлик Достон Жамшидов. — Уша кунин юзлаб вобкентлик йигит-қизларнинг муаммолари, таъкиф ва тавсиялари тинланди. Кўпчилиги тадбиркорликни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиладиган бўлди. Ўз мутахассислиги бўйича ишлаш истиғадига ёшларга эса бўш иш ўринлари таъкиф этилди. Мен ҳам иш сўраб мурожаат қилиб, қизиқишим ва орзу-истақларим ҳақида гапирдим. Сўнг ўзим яшайдиган тумандаги 27-умумтаълим мактабига маънавият тарғиботчиси лавозими таъкиф қилинди. Очиғи, бундан мамун бўлдим. Уша онда Президентимизнинг "Сиз азиз ёшларини ёшлар учун барча эшиклар очиб, марранга баланд олигин", деган чорловининг амалий исботини кўрдим.

Ишга қабул қилинган ёшларнинг барчаси ана шундай рағбат, катта мақсад ва ниятлар билан фаолиятини бошламоқда. Мониторинг натижаларига кўра, ҳозирга қадар университет битирувчиларининг 80 фоизга яқинининг бандлиги таъминланди. Ёшларнинг ўқишни битириб, иш топпайи сарсон юришига энди барҳам берилади. Бугун ишлайман, соҳам бўйича ишга кирмоқчиман, тадбиркорлик қилиш ниятим бор, деган йигит-қизнинг барига маҳалладан то ҳокимлик мутахассисларига қадар кўмаклашишга тайёр. Бандлиги таъминланган ёшлар эса оиласи фаровонлиги, юрт равнақи, иктисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўишмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ

Ҳаким САТТОРИЙ,
ёзувчи, публицист

Бундан бир неча йил олдин бўлган воқеа тез-тез ёдимга тушиб, мулоҳазага
чорлайверади. Уй телефони жиринглайди ва ундан эркак киши ўзини
таништириб, гап бошлайди:
— Мен Навоий вилояти кутубхонаси директориман. Сизнинг Амир Темур
ҳақида китобингиз чиққан экан, шуни тез топиш ҳақида топшириқ бўлган.
Албатта, вилоятда бундай шошилиқ топшириқни биринчи раҳбар бериши
мумкин. Ростдан, ўшанда вилоят ҳокими шундай топшириқ берган экан.
Очиғи, кутилмаган гап бўлганди. Ҳаяжондан бошим айланиб кетди. Зеҳним
очилди: “Ҳали китобни изловчилар бор экан-да?!” Атрофимда тахлиб
ётган, қалам ҳақи ҳисобидан берилган ва ўқувчисини кутиб сарғайган
китобларга кўзим тушди. Қанийди, уларни ҳам кимдир йўқласа ёки ўқиш
истагини билдирса, текинга ҳам тарқатиб юборардим.



ҲАҚИҚАТНИНГ ЖАМОЛИ
ёхуд мутолаа эҳтиёжи

Давлатимиз раҳбарининг ўзи китоб-
хонлиқни ривожлантириш учун ҳамма
чорани кўрапти, афсуски, маърифат
изловчилик юрдошларимизнинг турмуш
тарзига сингмаяпти. Яқинда ёш ёзув-
чилардан бири: “Оддий одамлар эмас,
ёзувчиларнинг ўзи китоб ўқимай қўйди”,
деб сўхбат берибди. Мен ҳам тасдиқ-
лайман: у тамоман ҳақ.

Зар қадрини заргар билади

Гапнинг нафсиламрини айтганда,
“Зар қадрини заргар билади”, деганлар-
ддек, китобнинг қадрини билиш учун
одам китобхон-маърифатли бўлиши ке-
рак. (Масаланинг ёпиқ доира ичида ай-
ланиши шундаки, маърифатли бўлиш
учун китоб ўқиш керак!) Худди “Тухум
олдин пайдо бўлгани, товуқ?” қаби-
лида айланма масаланинг ечими учин-
чи нуқтада: ким қандай фикрласа, ўша
тўғри. Шундай. Бинобарин, “Ер юзида
токи бир аёл бор экан, заргарга эҳтиёж
бўлади”, деганларидек, бир киши китоб
ўқиса ҳам китобга эҳтиёж бўлаверади.
Энди масала зар бор экан, заргар бўли-
шида қолди.

Ҳўш, қачон ёки нима учун китоб ўқи-
лади ёки ўқилмайди? Шу саволни бир
маорифчи дўстимга бердим. “Ҳамма-
сини эҳтиёж ҳал қилади. Ҳозир китоб
ўқишга эҳтиёж йўқ”, деди у дангал.

Эҳтиёж! Бу “жаноб” нимадан туғила-
ди ёки нимадан пайдо бўлади? “Эҳтиёж”
деганда кўпроқ шахсий майллар, био-
логик талабчанлик кўз олдимга келди.
Одам эҳтиёж сезади ва сизарет чекади.
Гарчи зарар экани кўп бора эслатилган
бўлса-да, буни ўзи билса-да!

Ёки оила бюджетига зиён бўлишини,
жамиятда мавқеини йўқотишини бил-
са-да, ароқ ичади, ҳатто ўзини тия ол-
майди. Ёки чекувчи ва ичувчиларнинг
организмида ўзгачалик бормикан? Қи-
зиқ. Мулоҳазаларни давом эттириб ва
теранлаштириб, ранг-баранг манзара-
ларга дуч келиш мумкин. Улардан чиқа-
диган хулоса жуда шафқатсиз: киши қан-
дай муҳитда шаклланса, яшаса, шунга
мас нарсаларга эҳтиёж сезаркан (яъни
яхши — яхшилиққа, ёмон — ёмонликка.
Худди латифада айтилганидек, “Ҳамма
ҳам қўлидан келганини қилади-да”)...

Шундай хулоса анчайин тўғрига ў-
шайди ва шу нуқтада инсоният ўз та-
маддуни жараёнида одамлар жамоаси-
ни бошқариш учун қўллаган тадбирлар
эсга тушади. Одамзодни маърифатли

қилиш, китобга, илмга ошно айлаш
азалдан куч билан бўлган. Зеро, “Илм
ёввойидир” деган ақида беҳуда пайдо
бўлмаган. Хукмдорлар аҳолини маъри-
фатли қилиш учун қонунлар қабул қил-
ганлар, оммавий тадбирлар уюштирган-
лар, гапга юрмаганларга нисбатан жазо
чораларини кучайтирганлар.

Тарихнинг сабоғи

Негаки, маълумотли-маърифатли
халқни бошқариш осон бўлган, халқнинг
маърифати юқори бўлса, вазиятни тўғри
тушунган, давлат бошлиғини улғурғор
ишларда қўллаб-қувватлаган. Маъна-
вияти юксак омма билан оламшумул
ислохотларни амалга ошириш осон кеч-
ган. Тарихнинг сабоғи шундай.

Жамият “об-ҳаво”сини белгилаб бе-
радиган ижтимоий манзаралар бўлади.
Масалан, “тадбиркорлик муҳити” ёки
“инновацион ривожланиш муҳити” де-
гандек. Худди шундай, “китобхонлик му-
ҳити” деган тушунча ҳам бор. Тасаввур

амалда қўллаш шунчалик кучайиб кет-
ганки, бир кунлик янгиликдан беҳабар
қолиш катта моддий йўқотишга олиб
келиши мумкин. Шундай шароитда ян-
гиликлардан боҳабар бўлиш учун ўз-
ўзидан ахборот излашга киришилади ва
мутолаага зўр берилади, шу билан эса
китобхонликка йўл очилади.

Табиики, маърифатга яқинлашиш
дунёқарашни яхши томонга ўзгарти-
ради. Кишилар маънавиятида ҳам кў-
тарилиш ва янгиликлардан содир бў-
лаверса, сафдошидан, касбдошидан,
қўшнисидан орқада қолмаслик учун
ахборот манбаларига мурожаат этади,
ўзининг шахсий рейтингини ошириб
бораверади. Бу ҳол биз орзу қилган жа-
раён.

Бироқ атрофда бошқа бир манзара:
аксарият молпарастликка ружу қўйган,
бир машинани иккита қилишга, уч қа-
ватли уйнинг буйини тўрттага етказишга
сафарбар бўлса, бундай шароитда ки-
тобга, умуман, маърифатга ўрин қол-
майди. Ахир бундай одамлар учун “қўл



қиламизки, тадбиркорлиқни ривожлан-
тириш ёки янги техник кашфиётларни

артишга” ҳам ярамайдиган китоблар ни-
мага асқатади?

Муаммо муаммони туғдиради: ўзи
ҳаётдан қониқиб-мириқиб яшашнинг ўл-
чами борми? Яъни одамнинг қисқа умри
давомида яйраб яшаш учун қанча бой-
лиги бўлиши лозим? Ахир “тешик тўрва”
(кексалар дунёни шундай таърифла-
шарди)ни тўлдираркан, деб қанча жон
овора-сарсон бўлиб, оғзи нонга етганда
бўғзи қонга тўлиб қолган ва шундай ҳам
бўлиб қоляпти.

Меъёрида, гўзал яшаш тартибини,
турмуш тарзини (бу ҳолни бир сўз бил-
ан “маданиятли бўлиш” дейишди) таъминлаш
учун нима талаб қилинади? Бунинг учун
маърифат лозим (яна масаланинг ёпиқ доира
ичида айлани-
шини қаранг). Шундай шароитда “Ҳар
кимнинг ўз танлови маъқул” тамойили
амал қилса, қуйида баён этиладиган
мана бундай муносабат қандай баҳо-
ланади?



Китоб ўқишга вақт борми?

Вилоятлардан бирининг ҳокимлиги
масъул ходими Жамшидга китобимни

гузаронлик қилиб юрибди. Жамшид ўзи-
нинг бундай муносабати билан мени яна
бир марта ҳайрон қолдирганди.

Китобдан кўрқиб — сўздан кўрқиб.
Китобдан йироқлашиб — сўздан йироқ-
лашиб (“Инсонни сўз айлади жудо ҳай-
вондин”) ва машъум ҳолатга (нимадан
“жудо бўлган” эрса, ўшанга) тушиб. Сўз
эса, аслида, борлиқ ҳақиқатининг ҳарф-
ларда нақшланган жамолидир. Демак,
Ҳаққа етишнинг асрори китобдадир.

Манзаралар шунақа. Китоб қачон
эҳтиёжга, ҳатто биринчи даражали эҳ-
тиёжга айланади? Ёки дунёнинг ман-
зараси шу даражада ўзгариб кетдики?
Бир мамлакатда сафарда бўлиб қай-
ган таниқли олим гурунг беради:

— Шаҳардаги тўрт қаватли “Китоблар
саройи” харидорлар билан энг гавжум
жой экан. Бизда қўйлиқ бозори шунақа
тиқилинч. Бир китоб олудим, пулини
тўлаш учун йигирма минут навбатда
турдим.

— Қайси йилларда бўлган бу воқеа?
— Олти ой олдин...

Улар ҳаётдан орқада қолиб кетиб-
дими ёки биз манзилга олдинроқ келиб
қўйибмизми? Бизнинг одамларимиз ҳам
китобга ўч. Ҳатто китоб “мажнун”лари
(библиоманлар) истаганча топилади.
Қишлоққа борсам, оддий сувчи бўлиб
ишлаган нафақадаги Файзулло ҳол-жон-
нимга қўймайди: “Янги китобларингиз-
дан олиб келмадингизми?”

Кейинги боришимда мамнун бўлиб,
бир хушхабарни айтди: “Қаршида икки
жилдлик китобингизни 80 минг сўмдан
сотаётган экан. Тўрт киши пул қўшиб
олдик. Навбатма-навбат ўқиялмиз. Бо-
лаларимиз, бутун оиламиз билан ўқия-
миз”. “Уша китоблардан мактабга сов-
га қилишимиз, қарамабсиз-да”, дедим.
“Уйда бўлгани яхши-да. Болаларга қо-
лади, бойлик”, деди у.

Ҳа, афсуски, бу қишлоққа эмас, ту-
манда ҳам бирорта китоб дўкони йўқ. Бу
ёқда нашриётлар оморидида китоблар
тахлибни ётибди. Қарийб йигирма йил-
дан бери миллиардлаб сўмга босилган
китоблар ўқувчисини кутиб ётибди. “Бир
нашриётда 2016 йилда чиққан китобим
учун бериладиган қалам ҳақини оло-
ганим йўқ, чунки китоб охиригача сотиб
бўлинмаган”, дейди ёзувчилардан бири.

Бундай ҳоллар битта эмас. Қалам
ҳақи деган нарсалар-ку, бутунлай бар-
бод бўлди (демак, ҳеч кимнинг китоб
ёзиш билан тирикчилиги ўтмайди ва бу
юмушни ўйламайди. Демак, ёзувчи

эҳтиёж йўқ бўлиб чиқади), энди йиллар
давомида захмат чекиб яратган кито-
бингни қалам ҳақи олмай, нашр этиш
ҳам мумкин бўлиб қолди.

Болалар нашриётининг
номи бор-у, ўзи йўқ

Болалар нашриётининг номи бор-у,
ўзи йўқ: қайсидир нашриётнинг бўли-
мига айланиб қолган. Аслида, мактаб-
гача таълимга, умуман, мактабга ургу
берилаётган ислохотлар палласида энг
сўнги талабларга жавоб берадиган
полиграфия жиҳозлари билан таъмин-
ланган болалар нашриёти сув билан
ҳаводек зарур эмасми?

Босмахоналар ёпиляпти, нодир касб
соҳибни ҳисобланадиган ноширлар бош-
қа соҳаларга ўтиб кетяпти. Заргарона
маҳорат бирданга ҳосил бўлмайди,
15-20 йилда шу даражага етилган. Айни
пайтда янги иш ўринлари яратиш Пре-
зидентимиз томонидан долзарб қилиб
қўйилаётгани айни ҳақиқат. Ҳолбуки,
юқори малакага эга ўнлаб, юзлаб замо-
навий иш ўринлари қисқариб кетяпти.

Шундай шароитда китоб савдоси ҳа-
қида нима деб бўлади? Охири нафаси
билан яшаётган китоб дўконлари пеш-
тахталари маҳсулот билан тирбанд,
аммо харидор кам. “Шарқ зийқори” ки-
тоб дўконидида бир кунда 2-3 миллион
сўмлик савдо бўларкан.

Бир эшик наридаги каталакдек озиқ-
овқат дўкони 20-25 миллион сўмлик, шу
бинодаги аптека 7-8 миллион сўмлик
савдо қилар экан.

Янгича ёндашувлар билан
ижобий ҳал қилинапти

Янги Ўзбекистон ўзининг олдингига
ўхшамаган тарақиёт йўли билан дунё
ҳамжамиятининг эътиборини тортяпти.
Ислохотлар жараёнида етилган муам-
молар янгича ёндашувлар билан ижо-
бий ҳал қилинапти. Ижтимоий муҳитда
тадбиркорларнинг ўрни ва мавқеи ошиб
бормоқда.

Ҳолбуки, китоб бизнеси ҳам энг истиқ-
болли соҳалардан. Етарлиқ маблағи
бор одам сармоясини китоб савдосига
йўналтирса, ҳам иқтисодий наф қўради,
ҳам савобга қолади. Очиғи, яқин вақт-
ларда “Фалон тадбиркор китоб чоп эти-
шга ёки бошқа бир маданий тадбирга ҳо-
милийлик қилди”, деган гапни эшитмадик.

Китоб савдоси буйича эса ғайриман-
тикий аҳвол юзага келган: китобхон-
лиқни давлат раҳбари тарғиб қилиб,
рағбатлантириб турибди, жойларда
одамлар китобга эҳтиёжманд. Фақат
орадаги восита — етказиб бериш, яъни
китоб савдоси, шу қаторда китоб нашр
этишда жиддий муаммолар мавжуд.

Қизик, аҳолини китобдан маҳрум қи-
лиш кимга керак бўлиб қолди экан?
Нашриётларнинг китоб омирборларида
маҳсулот тиқилиб ётибди. Оддий савол
туғилади: китоб савдосини йўлга қўйи-
шга нима тўсиқлик қилади? Меҳнаткаш
ва меҳмондўст халқимизни мутолаа за-
вқидан маҳрум қилишдан мақсад нима?

Сўнги йилларда амалга оширилаёт-
ган ҳаётбахш ислохотлар халқимизнинг
турмуш тарзини, дунёқарашини ўзгар-
тироқда, фаровонлиги юксалмоқда.
Энди, шунга монанд маънавият ва маъ-
рифатни юксалтиришнинг ҳаётий му-
ҳим омилларидан ҳисобланмиш КИТОБ
ҳақида ҳам ўйлаб қўрилади ва муаммо-
ларга барҳам берилади. Зеро, барча со-
ҳада ёруғ, нурли истиқболлар кўзга таш-
ланиб турганда, шамнинг ўзи ўчиб ёки
хира тортиб қолса, инсофдан бўлмайди.

